

ЁШЛАРНИ БУЗГУНЧИ ҒОЯЛАРДАН ХИМОЯ ҚИЛИШДА ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ

РОЛЬ ВОСПИТАНИЯ В ЗАЩИТЕ МОЛОДЕЖИ ОТ ДЕСТРУКТИВНЫХ ИДЕЙ

THE ROLE OF EDUCATION IN PROTECTING YOUTH FROM DESTRUCTIVE IDEAS

Durbek A. RAKHIMDJANOV,
INTERNATIONAL ISLAMIC
ACADEMY OF UZBEKISTAN,
Associate Professor of “ICESCO Chair
on Islamic Studies and Islamic Civilization”
durbekr@yahoo.com
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/TLOI/2021/1/3

Аннотация: Бугунги глобллашув даврида ёшларни ватанга садоқат, миллий ва диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш учун уларни аждодларимиздан қолган бой маънавий меросдан унумли фойдаланган ҳолда тарбиялаш зиёлилар олдига турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бунинг учун ёзма манбаларда акс этган ҳикматлар, тўғри ҳаётий кўрсатмалар билан бирга инсоннинг ички дунёсини ўрганиш, психологик ҳолатини ҳисобга олиш ҳам муҳим ўрин тутди.

Мақолада мамлакатимизда ёшларнинг турли деструктив оқимлар таъсирига берилиб қолмасликлари учун ҳаётнинг илк оstonасидан бошлаб уларга бериладиган билимларнинг инсон камолотига қаратилган бўлиши, уларда мустақил равишда ахборотларни қабул қилиш, қайта ишлаш, саралаш, яхшисини ёмонидан ажрата билиш малака ва кўникмаларини шакллантириш учун нималарга эътиборни қаратиш лозимлиги ҳақида сўз боради. Хусусан, ёшларда атроф-муҳитга, ота-она ва қадрдонларга нисбатан меҳр кўрсата билиш фазилатини шакллантириш учун уларга ҳаётга теран назар ташилаш, дунёдаги ҳар бир воқеа-ҳодисага ҳикмат назари билан қараши кўникма ва малакаларини шакллантиришига асосий эътибор қаратилган.

Шунингдек, кейинги йилларда мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор, уларнинг ҳақиқий инсон бўлиб етишишлари, кун сайин ўзгариб бораётган дунёдаги тараққиёт олдига барча талабаларга рақобатбардош бўлиб вояга етишлари учун кўрсатилаётган гамхўрлик ёрқин мисолларда кўрсатиб ўтилган. Жумладан, турли ёт ғоялар таъсирига берилиб, ўз юртини ташилаб дунёнинг “қайноқ нуқталари”га йўл олган, бундай ношуккурчилик оқибатида қилган қилмишининг жабрини кўрганидан сўнг ўз ишидан пушаймон бўлган кишиларнинг юртимизга

қайтарилиши, уларга кўрсатилган меҳр ва гамхўрлик мисоли бўлган “меҳр” операцияларининг моҳияти ҳақида тўхталиб ўтилган.

Мақолада нотўғри йўлга адашиб кириб қолган кишиларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни қайта тарбиялаб, жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш учун нималарга эътибор бериш лозимлигига асосий эътибор қаратилган. Бунда давлат органлари, маҳалла ва умуман, шу инсон билан боглиқ барчанинг масъул экани кўрсатилган. Бу масалада хорижий тажриба нималарни кўрсатиши ёритиб берилган.

Экстремистик гуруҳлар ўзларининг бузгунчи ғояларига кишиларни эргаштириш учун қандай усуллардан фойдаланиши мақолада яққол мисоллар билан келтириб ўтилган. Уларнинг бу каби найрангларига қандай йўл билан қарши туриш мумкинлиги, бу каби салбий таъсирларга берилган кишиларни бу йўлдан қандай қилиб олиб чиқиш мумкинлиги мақоланинг кульминацион нуқтасини белгилайди. Диний манбалар, Қуръон оятларини ўз манфаатлари йўлида бузиб талқин этаётган гуруҳларнинг асл мақсадлари нима-ю, уларнинг иддаолари нималардан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: таълим, тарбия, реабилитация, экстремизм, терроризм, оят, ҳадис, бузгунчилик, деструктив ғоя, бунёдкор ғоя.

Аннотация: В настоящее время в эпоху глобализации одной из актуальных задач, стоящих перед интеллигенцией является воспитание молодежи в духе патриотизма, уважения к национальным и религиозным ценностям путем использования богатого духовного наследия наших предков. Большое значение при этом должно быть уделено привлечению мудрых изречений и жизненных наставлений, содержащихся в письменных источниках, а также изучению внутреннего мира человека и его психологического состояния.

В статье уделяется особое внимание тому, что в целях защиты молодёжи от влияния различных деструктивных течений знания, преподаваемые молодежи, должны быть целенаправлены на развитие у них высокой нравственности, формирование самостоятельных навыков и компетенций получения, обработки и сортировки информации, а также умения различать достоверную информацию от недостоверной. В частности, для формирования у молодых людей умения проявлять любовь к окружающему их миру, родителям и близким большое внимание нужно уделять формированию реалистичного взгляда на жизнь, а также навыков и компетенций философского подхода к каждому происходящему событию в мире.

Ярко проиллюстрированы те внимание и забота, которые уделяются молодежи в нашей стране в последние годы, для воспитания гармонично развитого человека, конкурентоспособного в условиях прогресса в меняющемся мире. В статье также упоминаются операции “Меҳр” (“Милосердие”), в результате которых были возвращены на родину люди, которые под

влиянием различных чуждых идей покинули свою страну и отправились в «горячие точки» мира, и, увидев горькие последствия, раскаялись в своих поступках.

Статья посвящена тому, чему необходимо уделить внимание для возвращения заблудших от чуждых идей людей, их реабилитации и превращению в активных членов общества. Это показывает, что государственные органы, махалля и все в целом несут ответственность за этого человека. Обращается внимание на то, что показывает зарубежный опыт в этом отношении.

В статье приводятся наглядные примеры того, какие методы используют экстремистские группировки для привлечения людей к своим деструктивным идеям. Кульминационной точкой этой статьи являются рекомендации о том, каким образом надо противостоять подобным ухищрениям и какими способами можно возвращать людей, подвергшихся таким негативным влияниям. Указаны основные цели и идеи деструктивных группировок, которые для осуществления своих интересов искажают религиозные источники и аяты Корана.

Ключевые слова: образование, воспитание, реабилитация, экстремизм, терроризм, аят (Корана), хадис, провокация, деструктивные идеи, созидательные идеи.

Abstract: Today, in the era of globalization, one of the urgent tasks that intellectuals are facing is educating young people in the spirit of patriotism by using the rich spiritual heritage of our ancestors. To achieve this goal, it is important to study the spiritual world of a person taking into account his psychological state along with the use of wisdom and precious life instructions reflected in written sources.

The article pays special attention to the fact that the knowledge taught to young people should be focused on the development of high morality in them, the formation of skills and competence to independently obtain, sort reliable information, and distinguish it from false information.

The article also mentions the operation «Mehr» (mercy), as a result of which people were returned to their homeland, who left their country and went to the «hot spots» of the world under the influence of various alien ideas and seeing the bitter consequences, repented of their actions.

The article is devoted to what needs to be done to return the people who went the wrong way due to alien ideas and rehabilitate them and make them active members of society. It shows that government agencies, mahalla, and everyone, in general, are responsible for this person. We also studied foreign experience in this regard.

The article provides illustrative examples of what methods are used by extremist groups to attract people to their destructive ideas. The article gives recommendations on how to resist such tricks. The main goals and ideas of destructive groups, which distort religious sources and verses of the Koran to fulfill their interests, are indicated.

Keywords: education, upbringing, rehabilitation, extremism, terrorism, verse (of Koran), hadith, provocation, destructive ideas, creative ideas.

КИРИШ

Инсон ҳаёти давомида босиб ўтадиган йўл нақадар текис ёки машаққатли бўлиши унинг ёшликда олган тарбиясига ҳам боғлиқ. Аждодлар қолдирган бой маънавий меросдан баҳраманд бўлиб вояга етган инсон ҳаётнинг оғир машаққатларини мардонавор енгиб ўтиши нисбатан осонроқ кечади. Тарихда ўтган буюк инсонлар босиб ўтган йўл, ҳаётини тажрибадан зарурий сабоқ ва ибрат олган киши қийин синовлар олдида саросимага тушмайди.

Ушбу тадқиқотнинг асосий мавзуси бўлмиш бузғунчи ғоялар таъсиридан ёшларни асраш, адашиб нотўғри таълимотларга берилиб қолганларни тўғри йўлга қайтариш, қайтганларни эса жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш учун ҳам инсоннинг ёшлигидан бошлаб асосий эътиборни тарбияга қаратиш муҳим ўринни эгаллайди. Зеро, мамлакатимиз Президенти томонидан маърифатпарвар олим Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактабдир» деган фикрига алоҳида урғу берганлиги ва умумий ўрта таълим тизимида «Тарбия» фанини жорий қилиш зарурлигини таъкидлагани бежиз эмас (Мирзиёев, 2019).

Инсон тарбиясида ота-онанинг шахсий ибратининг ўрни бекиёс. Инсоннинг «Инсон» бўлиб шаклланишида ота-она, атроф-муҳит, қадрдонлар ва бошқа яқин қариндошларнинг таъсири катта бўлади. Шунинг учун ҳам машойхларнинг «фарзанд тарбиясини унинг дунёга келишидан олдин бошла», дейишларида ота ва она бўлмишларнинг энг аввало ўзларини тарбиялашлари лозимлигини кўзда тутганлари аниқ ва равшан бўлади. Чунки атрофдаги ижтимоий муҳитнинг соғлом бўлиши тарбиянинг яхши бўлишига сабаб бўлганидек, оиладаги ахлоқий муҳитнинг яхши бўлиши ҳам бола тарбиясида муҳим ўрин тутди (Mahfuza Alimova, Ibrohim Nigmatullayev, 2019).

Бахтга интилиш ҳар бир инсон учун табиий ва айни шу жиҳат уларни оила қуришга ундайди. Тадқиқотлардан аниқланишича, инсон ўзига ато этилган бахтнинг тўртдан уч қисмини оиладан, чоракка етар-етмас қисмини бошқа нарсалардан топади. Оилада эр-хотиннинг бир-бирини тўлиқ тушуниши – уларнинг ўзларини бахтли ҳис қилишларини таъминлайди. Шунингдек, ўзидаги мавжуд табиий-ижодий салоҳият (иктидор)ни рўёбга чиқариш, жамият ва оила доирасида сарфлаш ҳам инсонга ўзини бахтли ҳис қилиш имконини беради. Кейинги вақтларда инсоннинг имкониятлари ошган сари унинг бахтга интилиш даражаси ҳам ортиб бормоқда (MF Alimova, DU Qalandarova, L Alimjonova, 2020).

Фарзанд униб-ўсадиган соғлом оиланинг шаклланиши тўғри тузилган никоҳдан бошланади. Оила куришда ёшлар ўзларига жуфт танлашда қайси жиҳатларни ўзларига мезон қилиб олишлари лозим? Бу саволга ҳадиси шарифда шундай жавоб берилади: “Аёл кишига тўрт нарсаси учун уйланадилар: бойлиги, насаби, чиройи ва дини учун, сен дину диёнатлисини танла, барака топгур!” (Минг бир ҳадис, 1991).

Бу ўринда “ниятлар” масаласи олдинга чиқади. Хусусан, уйланишда, турмуш куришда, шунингдек, ота-оналар ўз фарзандларини уйлантиришда ёки турмушга беришда турли ният ва мақсадларни ўз олдларига қўядилар. Кимдир мансабдор оилага куда бўлишни орзу қилса, кимдир олийнасаб кишиларга қариндош бўлиш илинжида бўлади. Ҳусну чирой, пул ва бойлик ҳам эътибордан четда қолмайди. Аммо унинг дину диёнати қандай, одоб-ахлоқи мукамалми йўқми деган савол, минг афсуски, айрим ҳолатларда энг охириги масалага айланмоқда (ISAKDJANOV, 2019).

Ҳадиси шарифларда дини мукамал инсон – ўзига раво кўрганни бошқаларга раво кўрадиган, ўз манфаатидан ўзгалар манфаатини устун қўядиган киши эканлиги таъкидланади. Бир сўз билан айтганда юқоридаги ҳадиси шарифда ёшларга оила куришда ва ўзига умр йўлдошини танлашда унинг ташқи кўриниши, бойлигига эмас, балки унинг маънавий дунёсига эътибор қаратиш лозимлиги уқтирилади (Akhmedov Kh. Rakhimdjano D., 2020).

УСЛУБЛАР

Олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, бунёдкор ғояларга зид бўлган, ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиладиган, инсонни ва жамиятни тубанликка бошлайдиган, одамларни ғаразли ният ва қабих мақсадларга ундайдиган, халқлар ва давлатларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этадиган ғоялар мажмуи “вайронкор ғоялар” тушунчаси орқали ифодаланади. Ўзининг шахсий ёки тор ижтимоий манфаатини бошқалар ҳисобига қондириш, босқинчилик ва талончилик, тажовузкорлик ва манфаатпарастлик ғоялари шулар жумласидандир (Назаров, 2011). Дарҳақиқат, “Миллатни бўлиб ташлашга асос бўладиган ғоя деструктив ғоядир” (Каримов, 1999). Бузғунчи ғоялар орасида дин ниқобидаги экстремизм, миссионерлик, “оммавий маданият” каби салбий кўринишларни санаб ўтиш мумкин. Буларнинг барчаси инсоннинг эзгулик моҳиятига зид бўлган, тўғри йўлдан оғишган ғоялардир. Келажак авлодни улардан ҳимоялаш учун фарзандларга болаликдан, тарбиянинг илк давридан эзгулик ва ёвузликнинг асл

моҳиятини ўргатиш талаб этилади (Худойберганова, 2019/1).

Деструктив ғоялар таъсирига берилиб, жиноят йўлига кирган, ўз жазосини олгач, тўғри йўлга қадам қўйган кишиларнинг босиб ўтган ҳаёт йўлларига назар солинса, уларнинг ёшлик чоғида дин, сиёсат, маънавият ва маърифат, дунёвий билимлардан анча узоқда бўлганлиги кузатилади. Бу эса турли сиёсий кучларнинг диний ғоялар ниқоби остида илгари сурган мафкураларининг қурбонига айланганишига сабаб бўлган (Nematullo Mukhamedov, Nurilla Turambetov, 2020).

Эзгуликни эзгулик дунёга келтиради. Фарзанд бошқаларга меҳр кўрсатиши учун ўзи меҳр кўрган бўлиши керак. Айна мана шу меҳр кўрганлик ёки кўрмаганлик инсон тақдирини ҳал қилувчи омилга айланади. Одатда ёшлигида меҳр кўриб вояга етган инсон бошқаларга меҳр кўрсатишга интилади. Жамиятнинг барча аъзоларига яхшилик бўлишини тилайди, бор куч ва имкониятини инсонлар манфаатига хизмат қилдиришга ҳаракат қиладди. Аммо ёшликдан бошлаб ота-она меҳридан мосуво бўлган фарзанд қандай тарбия топади? Бу ҳақда психологлар “бемеҳрлик” синдромини таъкидлайдилар (Beruniy Alimov, Nozima Toshpo'latova, M Abdullaeva, Saida Arifxanova, 2019).

Бемеҳрлик – инсоннинг бошқаларга нисбатан салбий ёки бетараф тус олган ҳиссий муносабатини ифода этувчи атама. **Бемеҳрлик**ни икки маънода талқин этиш мумкин: биринчидан, у одамларга нисбатан салбий муносабат, тажовузкорлик ва шафқатсизликни англатса, иккинчидан, бефарқлик, тошбағрлик кўринишида намоён бўлади. Бемеҳр одамда ўзгаларга нисбатан, кўпинча лоқайдлик, бефарқлик яққол кўринади. Масалан, касал одамга куюнмаслик, муҳтож одамга ёрдам қўлини чўзмаслик ёхуд ҳалокатли ҳодисани индамай кузатиб туриш **бемеҳрлик** аломатидир. **Бемеҳрлик** маълум маънода инсон қалбининг ҳиссий олами, унда ўзгаларга нисбатан шаклланган эмпатия (ўзгалар ҳолатини ҳис этиш)га боғлиқ. Шу маънода, **Бемеҳрлик** шахсда ёшликдан оила муҳитида ота-оналарнинг болаларга нисбатан бепарволиги туфайли шаклланади. Бу даврда бола тарбиясига эътиборсизлик, унга кўрслик қилиш ва қўпол муносабатда бўлиш, камситиш, ота-она ва фарзанд муносабатларидаги ҳиссий ночорлик уларда атрофдагиларга нисбатан меҳр ҳиссининг етарлича шаклланмаслигига асос бўлади. Оила аъзолари, қариндош-уруғлари, маҳалладошлари, касбдошларига нисбатан меҳр ҳиссини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга (Эрназаров, 2017).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан 2019 йилда “Меҳр-

1” ва “Меҳр-2” инсонпарварлик ҳаракатлари тадбирлари доирасида 261 нафар аёл ва бола яқин Шарқ ва Афғонистондаги қуролли тўқнашувлар зоналаридан қайтарилди («Меҳр» операцияси бўйича Ўзбекистоннинг тажрибасига бағишланган халқаро конференция бошланди, 2020). 2020 йил 8 декабрдаги Конституция байрами тонгида яна 98 нафар ўзбекистонлик Суриядан қайтарилди («Меҳр-3» операцияси: Суриядан яна 98 киши Ўзбекистонга қайтарилди, 2020).

Ушбу меҳрибонлик операцияларининг “Меҳр” деб аталиши бежиз эмас эди. Меҳр кўришда ва кўрсатишда ўз ҳаётларида ноқислик бўлган бу каби адашган кишиларнинг тақдирини кузатганда беихтиёр уларнинг моддий жиҳатдан тўла таъминотга эга бўла туриб, нима сабабдан дунёнинг қайноқ нуқталарига йўл олганлиги кишини ўйга толдиради.

Сурия ва Ироқ каби уруш ўчоқларига аёлларнинг йўл олишига сабаб нима эканлигига қизилганда, уларга «бахтли халифалик» ғояси сингдирилганлиги маълум бўлган. Натижада эса аёллар ва болаларни бомба остига ташлашган, неча кунлаб оч-наҳорликда ушлаб туришган, болаларни хўрлашгача боришган. Аёллар турмуш ўртоғи, акаси, отаси ёки яқин қариндоши ортидан Сурияга чиқиб кетишган. Баъзилар бутун оиласи билан ватанни тарк этишган (Kalandarova, 2020).

Бунга энг катта сабаб – уларнинг билим-сизлигидир. Аёлларнинг шаҳодатномасига қаралса, ҳаммаси қониқарсиз таълим олишган. Ўз навбатида, ҳеч қаерда ишламаганлар. Оилада эркакларнинг буйруғини сўзсиз бажарганлар. Жуда паст даражадаги таълим ташқи таъсирларга қарши кучсиз иммунитетни шакллантирган. Натижада, улар реал ҳаётдан бутунлай узилган бўлиб, урушни афсонага ўхшатишган. Уларда ҳақиқий вазиятни холис баҳолай олиш кўникмаси бўлмаган. Ҳеч қайсиниси ҳаттоки бораётган давлатининг миллий валютасини билмайди (Ироқ ва Суриядан қайтарилган аёллар бўйича ўрганиш натижалари маълум қилинди, 2020).

Сурия, Ироқ каби уруш ўчоқларига йўл олган бу каби инсонларнинг қилмишини кузатиб, уларга моддий таъминот эмас, айнан маънавий, руҳий тарбия етишмаганлигини кўриш мумкин.

Баъзан жиноят кўчасига кирган ўсмирларни кузатганда уларда, катталарга бўйсунмаслик, тарбияни қабул қилмаслик, ўзи юрган жиноят йўлига мойилликни кўриш мумкин. Бундай салбий табиат (характер), ахлоқ қаердан пайдо бўлгани хусусида бош қотирганда уларнинг ёшликда меҳр кўрмай ўсгани аён бўлади. Бундай ўсмирларда ҳаётга нафрат билан қараш, кимдандир, нимагадир ўч олишга

интилиш, бир сўз билан айтганда “ҳужумкорлик” – “агрессивлик” ҳолати устун бўлади. Бунинг сабабини унинг болалигида кўрган муносабатдан излаш керак бўлади. Психологияда бундай ҳуқ – “**Агрессив ҳуқ**” деб аталади (Rahimjonov, 2019).

“Агрессив ҳуқ” шахснинг маънавий бузуқликка асосланган, бошқаришнинг ички дунёсига очикдан-очик салбий таъсир ўтказиб, тажовуз қилиб, уни издан чиқаришга қаратилган ғайриинсоний хусусиятлар, хатти-ҳаракатлар мажмуидир. **Агрессив ҳуқ**нинг шаклланиши, кучайиши ва намоён бўлиши аксарият ҳолларда ижтимоий муҳитга боғлиқ. Ҳар бир шахснинг ҳуқ-атвори унинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. **Агрессив ҳуқ** эгаларида ўз-ўзини идора қилолмаслик, хатти-ҳаракатларининг салбий оқибатларини ўйламаслик ва шунга ўхшаш ҳолатлар кузатилади. Ўсмир ёшидаги ўқувчилар **агрессив ҳуқ**ни намоён қилишга кўпроқ мойилдир. Лекин улардаги бундай руҳий ҳолат ўткинчи характерга эга бўлади. Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчилар бундай ҳуқнинг салбий жиҳатлари ҳақида ўқувчиларга етарлича маълумотлар беришлари керак. Ўқувчиларда **агрессив ҳуқ** кўринишлари намоён бўлганда ота-она ва ўқитувчилар уларга босиқлик билан муомалада бўлишлари лозим. Агрессив ҳуқ эгалари бўлган ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этади (Саиджалолов, 2019).

Ёшлар дин никобидаги мафкуравий таҳдидларнинг асосий объекти ҳисобланади. Бунинг ушбу психология ўзига хосликлар билан асослаш мумкин: ёшлар жамиятда содир бўладиган ҳар қандай воқеликларга ўзгача, руҳий ҳис-кечинмалар доирасида муносабат билдиришади, қийинчиликлар вужудга келганда эса эҳтиросларга берилишади, уларда шижоаткорлик орқали ўзларини кўрсатиш эҳтиёжи юқори бўлади. Бу жиҳатлар ўз навбатида ёшларни тўғри йўлга бошлаш масаласини муҳим эканлигини тасдиқлайди (Акрамова, 2020).

УСЛУБЛАР

Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, экстремистик оқим раҳнамолари ўз таъсири остидагиларни оқим ғояларига нисбатан фаол ва фидойи ҳолатда ушлаб туриш учун уларнинг онг остига таъсир ўтказиш ва уларда дастурлаш услубини қўллайдилар. Ушбу таъсир кўрсатиш ва онг остини дастурлаш услуби экстремистик оқим аъзоларини ҳар қандай қийинчилик ва машаққатларга қарамасдан оқим ғояларига содиқ туришларини таъминлаб беради. Шундан келиб чиқиб, экстремистик оқим етакчилари ўзлари ортидан эргаширган шахсларда қўллаган бир қанча

усуллар ўрганилди. Шу йўл билан экстремистик оқим аъзосини бу каби ғоялар таъсиридан чиқариш учун унинг мазкур ғоялар таъсирига қайси услуб орқали олиб кирилган бўлса, айнан ўша услубни қўллаган ҳолда оқим таъсиридан олиб чиқиш катта самара бериши тажрибада кузатилди. Экстремистик оқим аъзолар билан олиб бориладиган якка ва умумий тартибдаги тарбиявий ишлаш жараёнида оқим етакчилари ўз тарафдорларини таъсир доирасида ушлаб туриш учун қуйидаги турли усуллардан фойдаланадилар.

Калит сўзлардан фойдаланиш – бу экстремистик оқим аъзоси онгига биринчи босқичда доимий равишда такрорлаш йўли билан керакли ибора ва тушунчалар сингдирилади. Масалан, биринчи босқичда “Биз ҳақ йўлдамиз” деган тушунча сингдирилади. Бунда Қуръони каримдаги **“Сизлар тўғри йўлдасиз!”** [Зухруф, 43-оят; Шуро, 52-оят; Наҳл, 76-оят] мазмунидаги оятлар оқим манфаатларига мос равишда талқин қилинади (Қамбаров, 2020). Ваҳоланки, мазкур оятларнинг нозил бўлиш сабабларини ўрганиладиган бўлса, “Зухруф” сураси 43-оятида Расулulloҳга айтилган ушбу сўз замирида қайсидир оқим эгасининг мафкуравий даъватлари эмас, балки у кишига нозил қилинаётган илоҳий ваҳий назарда тутилган (Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири, 2018). Худди шунингдек, “Шуро” сураси 52-оятида ҳам Пайғамбар (с.а.в.)га туширилган рисолат ҳақида сўз боради, ҳеч қандай оқимлар ҳақида эмас (Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири, 2018). “Наҳл” сураси 76-оятида эса “хидоят йўли”да юрган ва кўзи ожиз инсон ҳақидаги ибратли мисол келтирилган, бу ҳам ҳеч қайси оқимнинг мафкурасини қўллаб-қувватловчи далиллар эмас (Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири, 2018).

Оқим аъзолари қаршисида чиқаётган кийинчиликлар ёки ташқи таъсирлар натижасида оқимдан воз кечиб юбормаслиги учун оқим раҳнамолари уларни тўғри йўлда эканлигини мана шу каби оятлар орқали ҳис қилдириб туришга интиладилар. Шунингдек, улар **“Кимки Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм юргизмас экан, бас улар кофирдирлар”** [Моид – 44-оят], деган мазмундаги оятдан фойдаланадилар. Улар мазкур оятни “фақат ушбу оқимдагилар мўмин-мусулмон ва тўғри йўлдагилар ҳисобланади”, деган маънода талқин этадилар. Қолганлар мусулмонларни “ўз жонига зулм қилган золим, фосиқ ёки кофир”га чиқарадилар. Аслида эса бу оятлар аҳли китоб, Бану Исроил қавмига берилган “Таврот” китобига амал қилмаганлар хусусида айтилган (Қуръони карим

маъноларининг таржима ва тафсири, 2018). Шу ўринда оқим аъзоларининг муқаддас манбалардаги оятларни ўз манфаатлари йўлида бузиб талқин этганларини кўриш мумкин.

“Кўпчилик билмайдилар” деган ғояни сингдириш билан ўзларининг кўп нарсани билувчи қилиб кўрсатишларига эришадилар. Бу ҳам кишиларни оқим таъсирида ушлаб туришнинг яна бир йўли ҳисобланади. Экстремистик оқим аъзосининг онги, ақли идроки доимо оқим таълимоти билан машғул бўлиб туриш учун **“Уларнинг кўпчилиги билмаслар”** [Наҳл, 75-оят] мазмунидаги оятлар билан қувватлаб борилади. Бу оятни улар онгига уқтириб бориш билан жамиятда экстремистик оқим аъзоларининг сони арзимас эканлигини беркитишга эришмоқчи бўладилар. Ҳақ йўлда юрувчилар ҳамма даврда озчиликни ташкил этган, биз ана шу ҳақ йўлдаги “озчиликмиз” деб уқтириб борилади. Аммо минг афсуслар бўлсинки, бу зикр этилган оятлар ҳам аслида оқим ғояларини қўллаб-қувватловчи оятлар эмас (Раҳимджанов, 2019/1).

Оқим аъзоларини гуруҳда ушлаб туришнинг яна бир усули “доимий синовлар” ғоясини сингдиришдан иборат. Ҳақ йўлдаги одамлар мунтазам қаршиликларга учрайди, **“Одамлар: “Имон келтирдик”, – дейишлари билангина, синалмаган ҳолда қолдириладилар, деб ўйладиларми?!”** [1, Анкабут, 2-оят] мазмунидаги оятларига оқим манфаатларига мослаб маъно бериш йўли билан уларга мунтазам сингдириб борилади. Оила аъзолари, қариндош-уруғ, маҳалла-қўй ва бошқалар томонидан бўлаётган қаршиликларни “имон келтирганим сабабидан менга Аллоҳнинг имтиҳони бўляпти” деб қабул қилдирилади.

Юқоридаги тушунчаларни босқичма-босқич бериб борилгач, мазкур машаққатлардан сўнг, Аллоҳ таоло бизларга нусрат беради, “Оқибат биз ғалаба қозанамиз” деган ғоя сингдирилади. Бунда Қуръони каримдаги **“(Куфрга қарши курашда) суутлашмангиз ва ғамгин бўлмангиз! Агар (ҳақиқий) имон эгалари бўлсангизлар, сизлар устун бўлгувчидирсизлар”** [Ол-Имрон, 139 оят], деган ояти қарима мунтазам айтиб борилади.

Экстремистик оқим аъзосининг онгини боғлашда уларга қасам ичириш ҳам яна бир катта услуб ҳисобланади. Бу босқичда оқим аъзоси маълум бир даражага етгач “Сиз энди кейинги босқичга лойиқ бўлдингиз, бунга ҳамма ҳам етишолмайди, шу йўлда садоқатингизни ифодалаб қасам ичасиз” дейилади. Қасам ичиришнинг моҳияти шундаки, экстремистик оқим аъзосига қасамни бузиш диндан чиқиш ва имондан чиқиш, деб тушунтирилади (Қамбаров, 2020). Ваҳоланки, инсон ислом динига

қасам ичиш орқали эмас, балки имон калималарини айтиш билан киради.

Оқим аъзоларини ўз сафида мустаҳкам ушлаб қолиш мақсадида оқимнинг тартибларини бузган аъзоларига нисбатан “жамоадан четлатиш”, “яккалаш”, “имтиёзлардан маҳрум қилиш” каби жазо чоралари қўлланади. Кескин равишда тартиб бузганлар жамоадан четлатилиб “муртад” деб эълон қилинади. Бу эса улар тилида “дўзахий” деган маънони беради. Оқимнинг оддий аъзолари учун бу ўта қўрқинчли жазо бўлиб туюлади ва у оқим тартибларига қатъий риоя қилишга ўтади.

Экстремистик оқимлар таъсирига тушиб, онг остини “қулфга солиш” дастури ёрдамида ишлов берилган кишиларда ушбу қулфни бузиш ва ундан халос қилишда уларни тўғри тарбиялаш орқалигина мақсадга эришиш мумкин. Бунинг учун уларни бу даражага олиб келишда қўлланилган услуб босқичма-босқич бўлганлиги сабабли уларни бу йўлдан олиб чиқиш учун ҳам айнан шу йўлни қўллаш лозим бўлади. Яъни, уларга ислом динининг асл эзгулик моҳиятини, биринчи ўринда илм олиш лозим эканлигини тушунтириш йўлидан бориш талаб этилади. Унинг сиёсий онгини очиш, дунёда бораётган глобаллашув давридаги манфаатлар учун кураш жараёнларини тўғри очиб бериш йўлидан бориш самарали усуллар ҳисобланади.

НАТИЖА

Бу ўринда тарбияни таълимдан ажратган ҳолда олиб бориб бўлмайди. Экстремистик гуруҳларнинг ортида қандай кучлар турганини, уларнинг сиёсий манфаатлари нималардан иборат эканлигини оқим аъзоларига ҳолис етказиб бериш уларни адашган йўлларида қайтаришнинг тўғри услуби ҳисобланади.

Дин ниқобидаги экстремистик ва террористик ғояларга қарши курашда узоқ муддатли ишлов бериш ёндашувини талаб қилади. Бу жараён жамиятга мослашув, ижтимоий реабилитация деб аталади. Бунинг учун реабилитация қилинувчида терроризмга олиб борувчи ғоя ва таълимотларга қарши туриш учун унда мафкуравий иммунитетни шакллантириш зарурдир. Зўравонликка асосланган экстремизмга қарши курашнинг бугунги кундаги ёндашувларига реабилитация, реинтеграция, яъни мутаассиб бўлган шахсни жамиятга қайта интеграция қилиш каби усулларни айтиб ўтиш мумкин. Одатда мутаассиб кайфиятдаги шахс жамиятда бошқалар билан чиқишиб яшаши қийин бўлади. Шунинг учун ҳам бундай характердаги шахсни жамиятга интеграция қилиш анча қийин кечади. Аммо ушбу шахс ҳам жамиятнинг бир

бўлаги, ундан воз кечиб бўлмайди ва ўз ҳолига ҳам ташлаб қўйиш ярамайди. Мунтазам тушунтириш ишларини олиб бориш орқали, бу каби инсоннинг қалбига кириб бориш билан муаммони бартараф этиш мумкин (Тулеметова Гулчехра Таджиматовна, Каландарова Доно Усманджановна, 2018/11).

Сўнгги йилларда дунё миқёсида дин ниқобидаги экстремистик ва террористик ғоялар таъсирига берилиб қолган шахслар билан ишлаш, уларни реабилитация қилиш экстремизмга қарши курашнинг самарали усулларида бири сифатида қабул қилинмоқда. Халқаро миқёсда ҳам экстремизм ва терроризмга қарши курашда реабилитация усулидан унумли фойдаланилмоқда. 2003 йилнинг бошларида Сингапур, Саудия Арабистони ва Яман каби давлатлар терроризмга қарши реабилитация усулидан фойдалана бошлаган эдилар. Бугунги кунда кўпгина давлатларнинг мутахассислари террорчилик жинояти билан қўлга тушган ва жазо муддатини ўтаётган кишиларни реабилитация қилиш, бундай дастурларни амалга оширишнинг муҳимлигини тушуниб етдилар ва шу сабабли ҳам уларни амалга оширишга жиддий киришдилар. Айниқса, Малайзия, Индонезия, Филиппин, Бангладеш, Ироқ, Афғонистон, Уммон, Марокаш, Нигерия каби давлатларда бунга катта эътибор бера бошладилар (Rohan Gunaratna, Mohamed Bin Ali, 2015).

МУҲОКАМА

Экстремистик ғоялар таъсирига берилган шахсни ижтимоий реабилитация қилиш, жамиятга мослаштиришда унинг қандай ғояларга берилишига кўра иш олиб бориш лозим бўлади. Масалан, “халифалик”, “ислом давлати” каби ғоялар унинг онгига бузилган талқинда сингдирилган бўлса, айнан ўша тушунчаларнинг асл моҳиятини диний манбалар асосида етказиб бериш керак бўлади. Агар мазҳабларни инкор этиш йўлидан борувчи “сохта салафийлик” ғоялари таъсирига берилган бўлса, у ҳолда ушбу оқимнинг пайдо бўлиши, асосчилари, бу оқим пайдо бўлган ижтимоий-сиёсий муҳит ва ундан кўзланган сиёсий мақсадлар очиб берилиши талаб этилади. Шунингдек, ислом динида мужтаҳид уламолар, улар асос солган мазҳабларнинг тутган ўрнини ёритиб бериш самарали натижа беради (Rahimjonov, 2019).

Экстремистик ғоялар таъсирига тушган кишиларни реабилитация қилишда яна бир нуқтага эътиборни қаратиш лозим бўлади. Кўпинча маънавий-маърифий тарғиботга бағишланган маърузаларда ислом динини ниқоб қилаётган гуруҳлар ҳақида гап кетганда, “уларнинг мақсади – исломий давлатни

куриш, исломий тузумни ўрнатиш, Қуръон асосидаги ҳаёт тарзини тарғиб қилишдан иборат”, деган сўзларнинг гувоҳи бўламиз. Аслида эса бу уларнинг мақсади эмас, балки уларнинг мақсади дунёвий манфаатга эришиш, тинч аҳоли орасида фитна чиқаришдан иборат. “Исломий давлат”, “исломий тузум”, “Қуръон асосидаги ҳаёт тарзини тарғиб қилиш” уларнинг ниқоб ва иддаолари халос. Улар илгари сураётган иддаоларни гўёки уларнинг “мақсадлари” деб талқин қилиш оддий мусулмон учун уларнинг гўёки “ислом йўлида жонидан кечиб ҳаракат қилаётган қаҳрамон”га айлантириб қўяди. Бу каби тарғибот ишларини олиб бораётган маънавиятчиларни “динга қарши курашаётган кофирлар”га чиқариб қўйишларига осонгина йўл очиб беради.

ТАҲЛИЛ

Кейинги вақтларда ижтимоий тармоқлар орқали бутун мусулмон дунёсига гўёки “мусулмонликдан дарс бераётган” оқим аъзолари маънавиятчиларнинг юқорида айтиб ўтилгани каби йўл қўйган хатоларидан усталлик билан фойдаланишга уринмоқдалар. Ислом динига оид тушунчаларни чуқур билмаган ҳолда турли оқим иддаоларига раддия беришга уриниш айрим ҳолларда бузғунчи ғоялар қолиб, тўғридан тўғри ислом динидаги тушунчаларга раддия беришга ўтиб кетилишига сабаб бўлмоқда. Зеро, ислом тарихининг илк даврида мунофиқларнинг Мадина шаҳрида икки юзламачилик билан Пайғамбар (с.а.в.) ҳузурига келиб имон калимасини айтишлари ва бу билан ўзларининг қабих ниятларини яширишга уринишларига ояти каримада жуда эҳтиёткорлик билан раддия берилиши бунга яққол мисолдир.

Қуръони каримдаги “Мунофикун” (“Мунофиқлар”) сурасида шундай дейилади: “(Эй Муҳаммад!) Мунофиқлар ҳузурингизга келиб: «Гувоҳлик берамизки, Сиз албатта Аллоҳнинг пайғамбаридирсиз» – дерлар. Сиз Унинг пайғамбари эканингизни Аллоҳ албатта билур ва Аллоҳ у мунофиқларнинг ҳақиқатан ёлғончи эканига ҳам гувоҳлик берур” (Мунофикун, 1). Бу оятда фитначи мунофиқларнинг томонидан айтилган шаҳодат калимасини тасдиқлашдан кейингина уларнинг ёлғончи эканликлари айтилмоқда. Агар оятда мунофиқларнинг бу қилмишларига тўғридан тўғри раддия берилганда эди ўқувчи бу оятдан мунофиқлар эмас, балки шаҳодат калимаси ёлғон экан деб тушуниб қолишлари эҳтимоли юзага келар эди. Шунинг учун ҳам оятда аввал шаҳодат калимасининг рост эканлиги тасдиқланиб, кейин мунофиқларнинг ёлғончи эканлиги таъкидланмоқда.

Маънавият тарғиботчилари мазкур оятда келган раддия беришнинг ушбу нозик услубидан фойдаланишлари мақсадаг мувофиқдир. Чунки бузғунчи мақсадларни амалга оширишни кўзлаган ҳар қандай оқим аъзоси одатда муқаддас матнлардан бирорта оятни ёки бунёдкор ғояларни ўзларига ниқоб қилиб келтирадилар. Уларнинг бу каби иддаоларига тўғридан тўғри раддия бериш ушбу муқаддас тушунчага ёки бунёдкор ғояга раддиядек қабул қилиниши мумкин. Бу эса маънавиятчининг ушбу ихтилофларни чуқур тушуниб етмаган кишилар кўз ўнгида обрўсизланишига ва оқим тарғиботчилари учун “нишон нуқтаси”га айланиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Бу каби салбий ҳолатга тушмаслик учун оқимлар томонидан илгари сурилаётган ғоянинг асли агар бунёдкорлик бўлса, ушбу ғоянинг эзгулик моҳиятини етарли даражада ёритиб бериб, кейин эса мазкур оқимларнинг ушбу ғояни кўтариб чиқишларидан кўзлаган ғаразли мақсадларини фош этиш самарали усул ҳисобланади.

Муқаддас манбалардаги тушунчаларни кўтариб чиқиш билан ўзларининг ғаразли мақсадларини илгари суриш ҳолатларига Али ибн Абу Толиб томонидан шундай баҳо берилган: “Ботил (ғаразли) мақсадда айтилган ҳақ сўз” (Шахристони, 2000).

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ёшларни бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш учун уларга ёшлиқдан бошлаб бериладиган тарбияга алоҳида эътиборни қаратиш лозим бўлади. Зеро, ёшлиқдан бошлаб юксак инсоний фазилатлар ва одоб билан тарбия топган инсон турли бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолишдан доимо ўзини ҳимоялайди (Rohan Gunaratna, Mohamed Bin Ali, 2015).

АДАБИЁТЛАР

1. «Мехр» операцияси бўйича Ўзбекистоннинг тажрибасига бағишланган халқаро конференция бошланди. (2020 йил 3-март). <https://kun.uz/news/2020/03/03/mehr-operatsiyasi-boyicha-ozbekistonning-tajribasiga-bagishlangan-xalqaro-konferensiya-boshlandi>.
2. «Мехр-3» операцияси: Суриядан яна 98 киши Ўзбекистонга қайтарилди. (2020). // <http://ssv.uz/uz/news/mer-3-operatsiyasi-surijadan-jana-98-kishi-zbekistonga-ajtarildi>.
3. Akhmedov Kh. Rakhimjanov D. (2020 йил 6-7). Protecting Youth from the Influence of Extremist Ideas and Social Rehabilitation. Jour of Adv Research in Dynamical & Control Systems, pp. 2805-2807.
4. Beruniy Alimov, Nozima Toshpo'latova, M Abdullaeva, Saida Arifxanova. (2019). Оммавий ахборот воситаларида зўравон экстремизм, радикализм. Тошкент: Baktia press.

5. Ghi. (2019). Иқтисод сабоқлари. Иқтисод, 35-45.
6. ISAKDJANOV, R. (2019 йил 3). RATIONAL PRINCIPLES IN IBN-SINA'S THEOLOGICAL EDUCATION AND THEIR CHARACTERISTIC FEATURES. The Light of Islam, p. 8.
7. Kalandarova, D. (2020). Features of information exchange aspects in the information society. Ижтимоий фанлар.
8. Mahfuza Alimova, Ibrohim Nigmatullayev. (2019). CLARIFICATION OF TOLERANCE IN ISLAMIC SOURCES. The Light of Islam, p. 13.
9. MF Alimova, DU Qalandarova, L Alimjonova. (2020 йил 1-11). CONTEMPORARY ISSUES OF RELIGIOUS STUDIES IN UZBEKISTAN. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, pp. 547-554.
10. Nematullo Mukhamedov, Nurilla Turambetov. (2020). Memorial complex of the sultan Uvays Bobo-One of cult historical centers in central Asia. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 799-804.
11. Rahimjonov, D. (2019). The importance of social rehabilitation of people who have fallen under the influence of extremist ideas in the process of globalization. The Light of Islam, 12.
12. Rohan Gunaratna, Mohamed Bin Ali. (2015). Terrorist rehabilitation: a new frontier in counter-terrorism. London: Imperial College Press.
13. Акрамова, Ф. А. (2020 йил 4-июнь). Ёшлар мафкуравий таҳдидлар объекти сифатида: тадқиқот ва тавсиялар. "Ислом - тинчлик ва бағрикенглик дини" мавзuidaги Республика илмий-амалий онлайн конференцияси материаллари тўплами (04.06.2020), pp. 236-241.
14. Ироқ ва Суриядан қайтарилган аёллар бўйича ўрганиш натижалари маълум қилинди. (2020). // <https://kun.uz/45831225>.
15. Каримов, И. А. (1999). Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Тошкент: Ўзбекистон.
16. Қамбаров, А. (2020). Кишилар онг остига таъсир ўтказиш орқали экстремистик оқимга жалб этиш усуллари ва уларни реабилитация қилиш йўллари. Ислом - тинчлик ва бағрикенглик дини" мавзuidaги Республика илмий-амалий онлайн конференцияси материаллари тўплами (04.06.2020), (pp. 349-355). Тошкент.
17. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. (2018). Тошкент: "Тошкент ислом университети" НМБ.
18. Минг бир ҳадис (Ўзбек маскани ed., Vol. 1). (1991). (А. Мансуров, Trans.) Тошкент.
19. Мирзиёев, Ш. М. (2019). Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши.
20. Назаров, Қ. (2011). Ғоялар фалсафаси. Тошкент: Akademiya.
21. Раҳимджанов, Д. (2019/1). Глобаллашув жараёнида экстремизм ғоялари таъсирига тушган кишиларни ижтимоий реабилитация қилишнинг аҳамияти. Ислом Зиёси, 71-74.
22. Саиджалолов, С. (2019). Ёшлар тарбиясида мафкуравий иммунитетни кучайтиришнинг замонавий воситалари ҳақида. <https://docs.google.com/document/d/1IPZjJoCW-LxDoENlnut4V6e-z-Ury2kVpTWQwsMJj6Y/edit?usp=sharing>, (pp. 215-217). Тошкент.
23. Тулеметова Гулчехра Таджиматовна, Каландарова Доно Усманджановна. (2018/11). Семейное воспитание как фактор формирования иммунитета молодежи против экстремизма. International scientific-practical conference on "The role of the family in the spiritual and moral education of children and youth", (pp. 154-156). Ташкент.
24. Худойберганаева, Г. (2019/1). ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ИСЛОМ МАЪРИФАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАСИ. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ (pp. 69-72). Ташкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси.
25. Шахристони, М. и. -К. (2000). Ал-Милал ва-н-нихал. Байрут: Мактабат ал-‘Асрийа.
26. Эрнazarov, O. K. (2017). ВОСПИТАНИЕ РЕБЁНКА – КАК САМАЯ ВЫСШАЯ ЦЕННОСТЬ В УЧЕНИИ РЕЛИГИИ МИРА (НА ОСНОВЕ ИУДАИЗМА, ХРИСТИАНСТВА И ИСЛАМ). Материалы VIII республиканской научно-практической конференции посвященной 100 летию Туркестанского Мухтариата и Алашординской автономии «УЗБЕКАЛИ ЖАНИБЕКСКИЕ ЧТЕНИЯ-2017» (pp. 212-214). Туркестан: Ахмет Ясауи атындағы Халықаралық қазақ-түрік университети.

REFERENCES:

1. «Mehr» operatsiyasi bo'yicha O'zbekistonning tajribasiga bag'ishlangan xalqaro konferensiya boshlandi. (2020, mart 3). <https://kun.uz/news/2020/03/03/mehr-operatsiyasi-boyicha-ozbekistonning-tajribasiga-bagishlangan-xalqaro-konferensiya-boshlandi>.
2. «Mehr-3» operatsiyasi: Suriyadan yana 98 kishi O'zbekistonga qaytarildi. (2020). // <http://ssv.uz/uz/news/mer-3-operatsiyasi-suriyadan-jana-98-kishi-zbekistonga-ajtarildi>.
3. Akhmedov Kh. Rakhimdjano D. (2020, 7 6). Protecting Youth from the Influence of Extremist Ideas and Social Rehabilitation. Jour of Adv Research in Dynamical & Control Systems, pp. 2805-2807.
4. Beruniy Alimov, Nozima Toshpo'latova, M Abdullaeva, Saida Arifxanova. (2019). Ommaviy axborot vositalarida zo'ravon ekstremizm, radikalizm. Toshkent: Baktria press.
5. Ghi. (2019). Iqtisod saboqlari. Iqtisod, 35-45.
6. ISAKDJANOV, R. (2019, 3). RATIONAL PRINCIPLES IN IBN-SINA'S THEOLOGICAL EDUCATION AND

- THEIR CHARACTERISTIC FEATURES. The Light of Islam, p. 8.
7. Kalandarova, D. (2020). Features of information exchange aspects in the information society. Ijtimoiy fanlar.
 8. Mahfuza Alimova, Ibrohim Nigmatullayev. (2019). CLARIFICATION OF TOLERANCE IN ISLAMIC SOURCES. The Light of Islam, p. 13.
 9. MF Alimova, DU Qalandarova, L Alimjonova. (2020, 11 1). CONTEMPORARY ISSUES OF RELIGIOUS STUDIES IN UZBEKISTAN. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, pp. 547-554.
 10. Nematullo Mukhamedov, Nurilla Turambetov. (2020). Memorial complex of the sultan Uvays Bobo-One of cult historical centers in central Asia. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 799-804.
 11. Rahimjonov, D. (2019). The importance of social rehabilitation of people who have fallen under the influence of extremist ideas in the process of globalization. The Light of Islam, 12.
 12. Rohan Gunaratna, Mohamed Bin Ali. (2015). Terrorist rehabilitation: a new frontier in counter-terrorism. London: Imperial College Press.
 13. Akramova, F. A. (2020, iyun 4). Yoshlar mafkuraviy tahdidlar ob'ekti sifatida: tadqiqot va tavsiyalar. "Islom - tinchlik va bag'rikenglik dini" mavzuidagi Respublika ilmiy-amaliy onlayn konferensiyasi materiallari to'plami (04.06.2020), pp. 236-241.
 14. Iroq va Suriyadan qaytarilgan ayollar bo'yicha o'rganish natijalari ma'lum qilindi. (2020). // <https://kun.uz/45831225>.
 15. Karimov, I. A. (1999). Biz kelajagimizni o'z qo'limiz bilan quramiz. Toshkent: O'zbekiston.
 16. Qambarov, A. (2020). Kishilar ong ostiga ta'sir o'tkazish orqali ekstremistik oqimga jalb etish usullari va ularni reabilitatsiya qilish yo'llari. Islom - tinchlik va bag'rikenglik dini" mavzuidagi Respublika ilmiy-amaliy onlayn konferensiyasi materiallari to'plami (04.06.2020), (pp. 349-355). Toshkent.
 17. Qur'oni karim ma'nolarining tarjima va tafsiri. (2018). Toshkent: "Toshkent islom universiteti» NMB.
 18. Ming bir hadis (O'zbek maskani ed., Vol. 1). (1991). (A. Mansurov, Trans.) Toshkent.
 19. Mirziyoev, Sh. M. (2019). O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoev raisligida 2019 yil 23 avgust kuni xalq ta'limi tizimini rivojlantirish, pedagoglarning malakasi va jamiyatdagi nufuzini oshirish, yosh avlod ma'naviyatini yuksaltirish masalalariga bag'ishlangan videoselektor yig'il.
 20. Nazarov, Q. (2011). G'oyalar falsafasi. Toshkent: Akademiya.
 21. Raximdjano, D. (2019/1). Glabollashuv jarayonida ekstremizm g'oyalari ta'siriga tushgan kishilarni ijtimoiy reabilitatsiya qilishning ahamiyati. Islom Ziyosi, 71-74.
 22. Saidjalolov, S. (2019). Yoshlar tarbiyasida mafkuraviy immunitetni kuchaytirishning zamonaviy vositalari haqida. <https://docs.google.com/document/d/1IPZjJoCW-LxDoEN1nut4V6e-z-UpY2kVpTWQwsMJ6Y/edit?usp=sharing>, (pp. 215-217). Toshkent.
 23. Tulemetova Gulchexra Tadjimatovna, Kalandarova Dono Usmandjanovna. (2018/11). Semeynoe vospitanie kak faktor formirovanie immuniteta molodyoji protiv ekstremizma. Internotional scientifrc-practical conference on "The role of the family in the spiritual and moral education of children and youth", (pp. 154-156). Tashkent.
 24. Xudoyberganova, G. (2019/1). GLOBALLASHUV SHAROITIDA ISLOM MA'RIFATINI SHAKLLANTIRISH MASALASI. GLOBALLASHUV SHAROITIDA VATANPARVARLIK TARBIYASINING MA'NAVIY-MA'RIFIY TEXNOLOGIYALARI (pp. 69-72). Tashkent: O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi.
 25. Shahrisoniy, M. i.-K. (2000). Al-Milal va-n-nihal. Bayrut: Maktabat al-'Asriya.
 26. Ernazarov, O. K. (2017). VOSPITANIE REBYONKA – KAK SAMAYa VISSHAYa SENNOST V UCHENIYAX RELIGII MIRA (NA OSNOVE IUDAIZMA, KRISTIANSTVA I ISLAM). Materiali VIII respublikanskoy nauchno-prakticheskoy konferensiyi posvyashchennoy 100 letiyu Turkestanskogo Muxitariata i Alashordinskoy avtonomii «UZBEKALI JANIBEKSKIE ChTENIYa-2017» (pp. 212-214). Turkestan: Axmet Yasaui atindag'i Xalqaraliq qazaq-tyrik universiteti.